

<http://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)
ISSN 2181-1717 (E)

ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH



6
2021

Халқаро илмий-методик
журнал Международный научно-методический
журнал International scientific and methodical
Journal



Сулаймонова Д. Н. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида танқидий ва креатив тафакку-рни шакллантиришнинг педагогик имкониятлари	99
Абдуманнотов Э. А. Ўйинли технологиялар асосида 5 -9 синф ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштириш	105
G’ulomov J. B. Masofali ta’lim sharoitlarida otm talabalarida mas’uliyat ko’nikmalarini rivojlan-tirish xususiyatlari	114
Жуманиязова З. Р. Ҳаракатли ўйинлар ва уларнинг яратилиши	119
Пазылова М. Е. Аждодларимиз томонидан илгари сурилган шахснинг билиш фаолиятини ривожлантиришга оид педагогик қарашларнинг ривожланиш динамикаси	123
Норбоева С. М. Тараба-ёшлар маънавий компетентлигини ривожлантиришнинг этиологик асослари (диний-маърифий негиз)	129
Давронов Д. И. Таълим жараённида медитаълим тизимидан фойдаланишнинг методик имкониятлари	134
Муминова Г. Б., Фаниева В. Ю. Инновацион ёндошув асосида мактабгача тарбия муассасалари ходимларини малакасини оширишнинг назарий-методологик асослари	140
Назирова Г. М. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг ўзига хос ҳусусиятлари	147
Сайитов С. С. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг инновацион фаолияти ва уни ташкил этиш зарурати	156
Navro’zov I. N. Loyiha metodi asosida o’qitishning asosiy aniq maqsadi va samaradorligi	162
Халилова Ҳ. М. Бошланғич синфда “Тарбия” фанини ташкиллаштиришга оид тарихий-миллый ёндашув ва аждодлар тажрибаси	165
Пулатова Ф. А. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантиришнинг педагогик-психологик омиллари	172
Назирова Д. А. Ўйин технологияларидан фойдаланган интерфаол дарсларнинг ўзига хос ҳусусиятлари	178
Шарафова Ш. Ш. Олий ўқув юрглари талабалари хаётида жисмоний тарбияни жорий этиш	184
Зияева М. Ф., Абдуваҳобова Д. Э., Хазраткулова А. В. Олий таълим тизимида талаба ёшлар-ни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш технологиялари	188
Надырова А. Б. Развитие познавательное самостоятельности студентов в условиях высшего музыкально-педагогического образования	193
Оқбўтаев Ж. Й. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларни ўзини-ӯзи тарбиялашга йўллашнинг шакл, метод ва воситалари	197
Пулатов Дж. А. Инновацион таълим шароитида ўсмир ёшидаги ўқувчиларининг маънавий дунёқарашини шакллантириш тамойиллари	205
Шарипова С. Б. Оиласда ёшлар умуммаданий дунёқарашни шакллантириш мазмуни	211
Джураева С. Н. Креатив педагогика замонавий педагогиканинг устувор йўналиши сифатида	217
Mirzaev S. O. Qishloq va suv xo’jaligida elektr ta’motni fanini o’qitishning didaktik tamoyillari	221
Umirov B. Application package and its areas of USE	228
Абдураимов Ш. С. Кадрлар буюртмачилари билан олий таълим муассасалари ўртасида ҳам-корлик самарадорлигини оширишнинг интеграциялашган веб-технологиялари	233

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МЕДИАТЬЛИМ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДИК ИМКОНИЯТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.28.59.001>

Давронов Дишиод Исмоилович

Бухоро давлат университети, Бошлангич таълим методикаси
кафедраси ўқитувчи

Аннотация. Медиатайлим оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва ахборот коммуникациянинг педагогик аспектдаги бир қисм ҳисобланади. Унинг назарий асосларини педагогика ва медиа ҳақидаги фанлар мажмуаси ташкил этади. Амалий жиҳатдан унинг асосида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти натижасида медиалашган комил инсонни тайёрлашётади.

Калит сўзлар: медиа, таълим, ўқувчи, ўқитувчи, метод, принцип, шахс, педагогик таъсир.

Аннотация. Медиаобразование является частью педагогического аспекта средств массовой информации и информационных коммуникаций. Его теоретические основы составляют комплекс наук о педагогике и СМИ. В практическом плане в ее основе лежит подготовка зрелого человека, опосредованного в результате деятельности учителя и ученика.

Ключевые слова: медиа, образование, ученик, учитель, метод, принцип, личность, педагогическое воздействие.

Annotation. Media education is part of the pedagogical aspect of mass media and information communications. Its theoretical foundations form a complex of sciences on pedagogy and mass media. In practical terms, it is based on the preparation of a mature person, mediated as a result of the activities of a teacher and a student.

Keywords: media education, student, teacher, method, principle, personality, pedagogical impact.

Фан, ўёналиш ҳали анча ёш бўлиб, кўпинча уни оммавий коммуникация шароитида ахборот маданиятни шакллантириш жараёни, деб номланади.

Медиатайлимнинг концептуал асосларини аниқлаш бўйича, амалий фанларни ўқитиш жараёнида медиатайлимнинг педагогик таъсир, амалий-харакатли соҳа сифатида шахсга таъсир кўрсатиши, бошланғич ва умумий ўрта таълим мактаблари учун медиатайлим вазифаларини ишлаб чиқиш ўёналишида, медиатайлимни педагогик технология сифатида амалга оширишни лойиҳалаш босқичларини яратиш устида олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар. Шу вактга қадар медиапедаголгар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ҳамда кузатишлар натижасида шу нарса маълум бўлди, дунёда медиатайлимнинг ягона концепцияси мавжуд эмас.

Ўқувчилар медиатайлимга оид таянч тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг вазифалари тўғрисида биринчи бор табиий фанлар, физика, кимё, биология, география, экология фанлари дарсларида танишиб ўтадилар.

Мактаб табиий фанлар мазмунидан келиб чиқиб, ўқувчилар билими



ва маҳоратини ҳисобга олган ҳолда, интеграциялашган медиатальлимга қуидагича таъриф бериш мумкин: 1) янги ахборот технологиялар (боблар ва китоблардаги кўрсаткичлар, кутубхона каталоглари, компьютер тармоқларида ахборот излаш воситалари ва ҳоказолар) воситалари ва анъанавий ахборот ташувчиларда жамланган ахборот қидируви; 2) олинган маълумотдан мазмунини топиб, уларни изоҳлаш ва танқидий таҳлил қилиш; 3) янги мазмунлар яратиш, уларни вазифалар ва алоқаларга мос равиша ахборот (хабар) шаклида тақдим этиш.

Медиатальлим қуидаги асосий йўналишларга ажратилади:

1. Медиатальлим матбуот, радио, телевидение, кино, видео ва интернет оламига бўлғуси профессионаллар – журналист, муҳаррир, режиссёр, продюссер, актёр, операторлар ва бошқаларни тайёрлайди.

2. Медиатальлим таълим муассасаларида медиамаданият курсларини олиб борувчи бўлғуси педагогларни тайёрлайди.

3. Медиатальлим мактаблар, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим муассасаларида ёки мустакил тартибдаги (маҳсус, ихтиёрий равиша ўтиладиган, тўгарак ва бошқа) таълим олувчи ўқувчи - талабалар умумий таълимининг бир қисми.

4. Кўшимча таълим муассасалари ва ўқувчи-талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этувчи марказлар (ёшлар саройлари, маданият уйлари, мактабдан ташқари марказ ишлари, эстетик ва бадиий тарбия, яшаш жойидаги марказларда)ги медиатальлим.

5. Матбуот, телевидение, видео, DVD, Интернет ёрдамида ёши катталар, талабалар - ўқувчилар учун олиб борилувчи масофавий таълим.

6. Мустакил, узлуксиз медиатальлим. (Бу йўналиш назарий жиҳатдан инсоннинг бутун умри давомида амалга оширилади) [141, б. 44].

Медиатальлим нафакат педагогика ва бадиий тарбия билан, балки бир нечта ижтимоий-гуманитар соҳалар, масалан, санъатшунослик, киношунослик, театршунослик, адабиётшунослик, маданиятшунослик, тарих, дунё маданияти ва санъати тарихи, психология, педагогика, санъат, ижодкорлик психологияси билан чамбарчас боғланган.

Медиатальлимнинг таянч иборалари ва уларнинг асосий компонентларини қуидагилар ташкил этган (2.1.-жадвал).

2.1-жадвал

Таянч ибора	Асосий ташкил этувчилар
медиатальлим	Интеграциялашган медиатальлим
Ахборот	Ахборот майдони
	Ахборот кенглиги
	Ахборот қобиги
	Оммавий ахборот воситалари
	Мактабдан ташқари ахборот
Матн	Белги
	Рамз
	Конвенцияланган матн
	Аналог матн
Танқидий фикрлаш	Тушуниш
	Интерпретация
	Онгни бошқариш

Интеграциялашган медиатълим мақсадлари ўзида қўйидагиларни мужассамлаштиради: ўқувчиларда интеграциялашган билимлар ва шу билан бирга, табиий-илмий дифференцияланувчи, ижтимоий-гуманитар ва бемаъни майший билимларни шаклланиши; асосий ва ўрта (тўла) таълимнинг мактабдан ташқари мъълумотлар контекстига киритилиши; ахборот оқими билан ишлашга ўргатиш; ўқувчиларда танқидий фикрлашни ривожлантиришни ўз ичига олади.

Медиатълим тарихидаги умумий ўзгаришни ЮНЕСКО ва Европа Иттифоқининг ОАВ тилини ўрганиш муаммолари бўйича маслаҳатчиси Л.Мастерман томонидан киритилган. У ўз тадқиқот ишлари натижасида медиатълимнинг қўйидаги тамойилларини яратган:

Медиатълим – демократик жамиятнинг ижтимоий тузилиши билан боғлиқ жиддий ва муҳим жабҳа.

Медиатълимнинг марказий концепцияси – репрезентация (“репрезентация” лотинча “tergaesentatio” сўзидан олинган бўлиб) намойиш этмоқ маъносини билдиради. Фалсафа, психология, социология фанларида қўлланиладиган атама ОАВ соҳасида оламни образ ёрдамида кўрсатиш ҳисобланади. Реаллик ва репрезентациянинг мослиги ёки қарама-қаршилиги ҳакида кўп марта сўз боради.

Медиатълим инсоннинг бутун ҳаётида давом этувчи жараён. Шунга қарамай айни кунда ўқиётганлар учун устун аудитория ҳисобланади.

Медиатълим мақсади танқидий тафаккурни шакллантириш билангина боғлиқ бўлмасдан, балки, шу билан бирга танқидий мустақиллик билан ҳам боғлиқ.

Медиатълим бу тадқиқий жараён.

Медиатълим долзарб ва бугун билан боғлиқ жараён. У ўзида кенг мафкуравий ва тарихий контекстда “хозир ва энди” иборасини мужассамлаштиради.

Медиатълимнинг калит тушунчаси катта даражада таҳлил, шарҳ, усул ва воситалар.

Медиатълим мазмун, моҳият, вариантли шарҳли усулларнинг ривожланишини англатади.

Медиатълимда самарадорлик иккита мезонга кўра, баҳоланиши мумкин: таҳсил олувчилар янги вазиятда ўзларининг танқидий тафаккурини намоён этиши ва уларнинг медиа билан мулоқотдаги мажбурияти, мотивацияси билан.

Медиатълимда таҳсил олувчиларни баҳолашнинг энг мақбули – бу ўз-ўзига баҳо қўйилиши.

Медиатълим ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини ўзгартиришга интилади. У фикр ва диалог учун имконият яратади.

Медиатълим баҳс-мунозара жараёнига ўхшайди.

Медиатълим фаол, демократик педагоглар билан яхши ривожланади. Қискаси, медиатълим – бу кўплаб янги фаолият йўллари ва уларни қўлловчи янги соҳа.

Медиатълим гурӯхларда ишлашга йўналтирилган.

Медиатълим “амалий танқид” ва “танқидий амалиётдан” иборат.



Медиатылым ўзида ота-оналар, медиа соҳасидаги профессионаллар ва педагоглар билан муносабатларни мужассамлаштирган.

Медиатылым ўзгараётган тамойиллар билан боғланган.

Медиатылым – алоҳида соҳа. Ўқитувчилар шунчаки билим берадиган ёки ўқувчиларни “кашф этадиган” эмас. Бу фан танқидий тадқиқот ва диалог жараёнида педагог ва таҳсил оловчиларга янги билимлар фаол берилади.

Таълим жараёнини амалга оширишда медиатылым турли педагогик воситалар ва усуулларни жалб этиш орқали, яъни таълим жараёнида аник вазифаларни қўйиш, ўқув материали мазмунини тушунтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ўқитиш турлари ва таълим оловчилар жамоаси хусусиятларига боғлиқ равища амалга оширилади. Бугунги кунда табиий фанлар таълими жараёнининг самарадорлигини оширишда турли хил электрон ахборот ресурслари, электрон таълим ресурслари, электрон ўқув ресурсларидан фойдаланиб келинмокда.

Медиатылым воситаларидан фойдаланиб, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ўналишларит тўғрисидаги ўқув материалларига доир маълумотларни келтириб ўтамиз.

Хозирги вақтда фан-техниканинг жадал суръатларда тараққий этиб бориши, Ер ўзида аҳоли сонининг кун сайин кўпайиши натижасида озиқ-овқат, энергетик, экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни вужудга келишига сабаб бўлишини турли мисоллар ёрдамида тушунтириш мумкин.

Таълим жараёнини самарали ташкил этиш ва унда кўзланган мақсадга эришиш учун фан-техника ривожланишига доир асосий масалаларни фандастурларида ўз ўрнида акс эттириб бориши мақсадга мувофиқ хисобланади.

Таълим жараёни замонавий техника ва технологиялар, педагогик технологиилар ҳамда ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиб ташкил қилишда дидактик тамойиллардан ўз ўрнида фойдаланиб ташкил қилиш орқали самарали натижага эришиш мумкин. Юқорида дидактик тамойиллар уларнинг мазмун ва моҳияти, таълим жараёнида амалга ошириш кетма-кетлиги тўғрисида маълумотларни баён қилинади.

Ўқитиш тамойиллари (prinsip – лотинча сўз бўлиб, “асос”, “бошланиш”, - деган маънени билдиради) – ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг асосий режалари, етакловчи ғоялари. Улар ўқитишни тартибга солувчи умумий кўрсатмалар, талаблар, режалар, нормалар тарзида бўлади. Ўқитиш тамойиллари ўқитишнинг асосий қонуниятларидан келиб чиқади.

Ўқитиш қонуниятлари – билим беришдаги ҳодисалар ўртасидаги зарурый ва объектив, маъноли ва такрорланувчи боғланишлар. Улар, асосан, ўқитиш жараёнининг асосий элементлари орасидаги боғланишларни ифодалайди; ўқитиш жараёни ва жамият талаби, ўқитишнинг мақсади ва мазмuni, ўқитиш технологияси ва унинг элементлари, ўқитиш методи ва воситаси, ўқитишнинг ташкилий шакллари ва шартлари, ўқитиш натижаси ҳамда уни текшириш ва бошқалар. Ўқитиш қонуниятлари куйидагилардан иборат:

1. Ўқитиш жараёни жамиятнинг ҳамда ҳар бир ўқувчи ёки талабанинг талабига мос келиши керак.

2. Ўқитиш жараёни билим бериш, тарбиялаш ҳамда ривожлантириш функцияларини бажариш керак.

3. Ўқитиш жараёни ўқувчи ёки талабаларнинг ҳақиқий ўқув имкониятларига мос келиши керак.

4. Ўқитиш жараёни унга таъсир қилувчи ташки шартларга боғлиқ:

ўқитиш ва ўқув жараёни биргаликда педагогик қонуниятларга бўйсуниб, бир-бири билан мустаҳкам боғланишда бўлади;

ўқитишнинг мазмуни ўқитишнинг мақсадига бевосита боғлиқ

бўлиб, у ўз навбатида, жамиятнинг талаби, илм-фаннынг ривожланиши, ўқувчиларнинг имкониятлари хамда ташки шартлар асосида аниқланади;

ўқитиш методлари хамда воситалари ўқитишнинг мақсадига ва мазмунига боғлик;

ўқитишни ташкил қилиш шакллари ўқитишнинг мақсади, мазмуни хамда методларига боғлик;

ўқитиш жараёнининг барча компонентлари орасидаги тўғри боғланиш ва тузилган қулай шарт-шароит, унинг ижобий натижасини таъминлайди;

ўқитиш, ўқувчи ёки талабанинг психологик хусусиятларига, шахсий қуяйлигига, келажакдаги ривожланиш даражасига мос ҳолда олиб борилиши керак.

Ушбу қонуниятларни ўқитиш жараёнида амалга ошириш учун, ўқувчи ва талабаларни уларга мос дидактик тамойиллар билан қуроллантириш зарур. Дидактик тамойиллар умумий мақсадга хамда масалаларга тегишли бўлгани учун, ўқитиш жараёнининг мазмунини, шаклини хамда методларини аниқловчи асосий лойиха бўлиб ҳисобланади. Бошқача айтганда, дидактик тамойил ўқитиш жараёнининг асосий қонунларини хамда қонуниятларини амалда қўллаш усули. Демак, хар бир дидактик тамойилдан аниқ лойиха хамда режалар пайдо бўлади [158, б. 33].

Дидактик лойихалар бевосита тамойиллардан келиб чиқмайди, балки улар педагогларнинг тўплаган амалий тажрибасидаги камчиликларини умумлаштириш ва уларни бартараф қилиш асосида келиб чиқади. Шундай қилиб, ўқитишнинг амалий тажрибаси қоидаларда, лойихаларда акс этади ва улар икки хил вазифани бажаради. Биринчидан, ўқитиш жараёнининг асосий қонуниятларини авлоддан-авлодга ўтишини таъминласа; иккинчидан, маълум бир қоидалар ва лойихалар айрим ҳолларда ўкув жараёнига салбий таъсир қилишидан саклайди. Шунинг учун, хар бир дидактика қоидаларидан, лойихалардан бевосита фойдаланибгина қолмасдан, балки уларни хар бир педагогик жараёнга мос равишда қўллаш керак.

Кўргазмалик тамойили. Инсонни ташки маълумотни қабул қилишда, ундан фойдаланишда хамда эслаб қолиш тизимлари орасида энг самаралиси бўлиб, кўриш тизими ҳисобланади. Чунки кўриш тизими маълумотларни тез қабул қилинган маълумотни узоқ вақт саклайди. Шунинг учун ўкув жараёнида кўргазмали қуроллардан фойдаланиш керак.

Маълумотни қабул қилиш аъзолари	% ҳисобида
Таъм сезиш аъзолари	1
Тери орқали сезиш	1,5
Хид билиш аъзолари	3,5
Эшитиш аъзолари	11
Кўриш аъзолари	83

Кўргазмалик тамойилини қўллашда қуйидагиларга амал қилиш керак:

кўргазма қуролидан фойдаланиш вақтини олдиндан аниқлаб олиш керак, дарс олдидан кўргазмали қуролни илиб қўйиш, ўқитиш жараёни боришига салбий таъсир қилиши мумкин. Янги материални тушунтириш пайтида барча таълим олувчиларнинг фикрини кўргазмали қуролга жалб қилиш, дарснинг самарадорлигини оширишга хизмат қиласи, кўргазмали қуролнинг сонига, сифатига катта талаблар қўйилиши керак, бир дарсда кўп сонли кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, салбий таъсир



қилиши мумкин; дарс ўтишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш; кўргазмали қуроллардан фойдаланиш орқали таълим олувчиларнинг тасаввурини, абстракциялаш имкониятларини ошириш; айрим кўргазмали қуролларни тайёрлашда таълим олувчиларни жалб қилиб, уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва бошк. [].

Таълим жараёнида қўзланган мақсадга эришишда кўргазмали воситалар муҳим маъно ва мазмун касб этади. Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш орқали дарслар самарадорлигини ошириш ҳамда соҳа бўйича таълим олувчиларга батафсил маълумот бериш имконияти ҳосил бўлади. Таълим олувчиларга ўқув материали мазмуни турли воситалар орқали етказилади. Бунга мисол тариқасида физика, кимё, биология дасрларида фойдаланиладиган ўқитиш воситаларини келтириш мумкин. Дарс жараёнида фойдаланиладиган ўқитиш воситаларини танлашга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш мумкин бўлган ўқитиш воситалари аникланди.

Ўқитувчи ўқув машгулотларида янги материал мазмунини тушунтиришда, дарс самарадорлигини ошириш ҳамда қўзланган мақсадга эришиш мақсадида турли чизма, жадвал, диаграммалар, турли муқобил энергия манбалари курилмаларнинг макет ва моделларидан фойдаланиши мумкин. Ўқитувчи дарсни қизиқарли ўтиши, ўқувчиларни дарсга бўлган қизиқишлигини ошириш, дарсда уларни фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида муқобил энергия манбалари тўғрисида тўлиқ маълумотлар беришдатурли хилдаги янги воситаларни тайёрлаш ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Абдуллаева Б.С. Фанлараро алокадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишдаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида). Автореф. пед. докт... дисс. – Тошкент, 2006. – 38 б.
2. Абдуқодиров А., Пардаев А. Педагогик технологияларга оид атамаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2012. – 44 б.
3. Нурматов А. Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтинослашув. – Тошкент: 2013. F. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, – 516 б.



ISSN 2181-1717 (E)



9 772181 171701

ISSN 2181-1709 (E)



9 772181 170902